



ISSUES OF INCREASING THE EFFICIENCY OF INTERACTION BETWEEN SECURITY AGENCIES AND OTHER GOVERNMENT AGENCIES IN THE FIELD OF DEFENSE AND SECURITY

Sarvar Kholikov

independent researcher, Ph.D

ABOUT ARTICLE

Key words: national security, state law, parliament, development of public relations, legislative, executive power, cooperation, defense, concentration of power.

Received: 26.12.24

Accepted: 28.12.24

Published: 30.12.24

Abstract: The article examines the principles of national security, aspects contained in the basic law of the state, the role of parliament in the development of public relations in the state and society, active and effective cooperation between the legislative and executive powers, highlights the opinions of academic circles on this matter, the main tasks in the sphere of national security and defense, concentration of power and such issues as its effectiveness.

МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА КУЧ ИШЛАТАР ТУЗИЛМАЛАРНИНГ БОШҚА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Сарвар Холиқов

мустақил тадқиқотчи, PhD

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: парламент функциялари, конунчилик хужжатлари, хавфсизликни таъминлаш, хорижий тажриба, мудофаа, хавфсизлик, Сенат, Олий Мажлис, қўмиталар вакиллик функциялари, парламент фаолиятини конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш.

Аннотация: Мақолада олий Мажлис Сенатининг фаолияти, функциялари, бу борадаги конунчилик хужжатлари таҳлили ҳамда хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар, етакчи илмий доираларнинг фикрлари, назорат-таҳлил тадбирлари ва шу каби бошқа мақсадлари каби масалалар ёритилган.

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ СИЛОВЫХ СТРУКТУР С ДРУГИМИ ГОСУДАРСТВЕННЫМИ ОРГАНАМИ В СФЕРЕ ОБОРОНЫ И БЕЗОПАСНОСТИ

Сарвар Холиков

независимый исследователь, PhD

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: национальная безопасность, государственное право, парламент, развитие общественных отношений, законодательная, исполнительная власть, сотрудничество, оборона, концентрация власти.

Аннотация: В статье рассматриваются принципы национальной безопасности, аспекты, содержащиеся в основном законе государства, роль парламента в развитии общественных отношений в государстве и обществе, активное и эффективное сотрудничество законодательной и исполнительной власти, освещены мнения научных кругов по этому поводу, основные задачи в сфере национальной безопасности и обороны, концентрации власти и такие вопросы, как ее эффективность.

Миллий хавфсизлик кўп жиҳатдан давлатнинг сиёсий барқарорлигига боғлиқ бўлиб, муайян шароитда сиёсий барқарорликка таҳдидлар бутун миллий хавфсизликка таҳдидларга айланиши мумкин. Бу, айниқса, мумкин бўлган оқибатларнинг сабаблари ва таҳлилларини, биринчи навбатда, сиёсий етакчиликка ишончсизлик, давлат ҳокимияти тузилмалари ва сиёсий етакчиларнинг паст рейтинги ҳамда парламентнинг миллий хавфсизликни таъминлаш бўйича ваколат ва амалдаги ҳаракатлари орқали кўринади. Бу йўналишда нафақат парламент балки бошқа идоравий тузилмаларнинг ҳам фаолияти ҳамда ўзаро ҳамкорлиги масалалари муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган Тараққиёт стратегиясининг 94-мақсадида Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш белгиланган. Бу борада Марказий Осиё бўйича минтақавий ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича вазифалар белгиланган[1].

Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги эса қуйидаги принциплар асосида таъминланади:

- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш;
- қонуннинг устунлиги, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларига оғишмай риоя этиш;
- маънавий салоҳиятга, миллий ўзликни англашга ва халқнинг маънавий кадриятларига таяниш;
- миллий манфаатларнинг устуворлиги;
- миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш;
- шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ўзаро мувозанатига риоя этиш;

- ҳудудий яхлитликни сақлаш ва давлат чегараларининг бузилмаслиги;
- хавфсизликнинг бўлинмаслиги;
- ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик;
- ташки сиёсатни мафкуралаштиришдан тамоман воз кечиш[2].

Маълумки, ҳар бир давлатнинг асосий қонунидан жой олган жиҳатлар сифатида шахслар эркинлиги ва хавфсизлиги ҳамда адолатли муҳитни яратиш, ўз халқининг хавфсизлиги ва ишончли ҳимоясини таъминлаш билан бирга уларнинг эркин ҳаракатланишига кўмаклашишдан иборатдир. Айни ушбу масалаларни биз миллий хавфсизликнинг асосий тамойилларига киритишимиз мумкин.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципининг энг муҳим талаблари қаторида бўлган «бир-бирини тийиб туриш», «мувозанатда сақлаш», «ўзаро таъсир ўтказиш» кабиларни санаб ўтиш лозим.

М.Ахмедшаевага кўра, ҳокимиятларнинг бўлиниши, айни пайтда ҳокимиятлар бирлигини тақозо этади. Шу боис, бугунги кунда ҳокимият тармоқларининг мустақиллиги, бўлиниши баробарида, уларнинг бир-бирини тўлдириши, ўзаро муносабат ва ҳамкорликка асосланган янги тип (субсидиар) муносабатлар палласига киришиши содир бўлмоқда[3].

Парламентнинг давлат ва жамиятдаги ижтимоий муносабатларни ривожлантиришдаги роли асосан қонунчилик органи сифатида давлат ва жамият ҳаёти учун муҳим бўлган умумий қоидаларни ишлаб чиқиш ҳамда ижро ҳокимияти ва бошқа давлат тузилма ва институтларнинг ҳаракатларини назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштиришдан иборат. Парламент миллий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларга кўпроқ ўзининг назорат функцияси орқали киришади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–5185-сонли Фармони маҳаллий давлат бошқарувини демократлаштиришни ва модернизациялашни давом эттиришда муҳим роль ўйнади[4]. Концепцияда бошқарувнинг вертикал тизими механизмларини ва ижро этувчи ҳокимият органларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича маъмурий ислохотларнинг асосий йўналишлари ва вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги фаол ҳамда самарали ҳамкорликни таъминламасдан эса бунга эришиб бўлмайди. Шу маънода, мамлакатнинг демократик тараққиёт сари барқарор ривожланишида ва давлат ҳокимияти тизимида мутаносиб мувозанатни таъминлашда парламентнинг ижро этувчи ҳокимият билан ўзаро муносабатларини оқилона ташкил этиш ва амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Айниқса, давлат бошқарувини янада демократлаштириш ва модернизациялаш шароитида парламент

ва ижро этувчи ҳокимият муносабатларини ислохотлар талаби нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, бу борадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади[5].

Парламент назорат функциясининг сиёсий моҳияти ҳокимиятни бўлишнинг демократик ташкилий тизими шароитида халқ ўзи ишониб ҳокимият ваколатини топширган барча тузилмалар фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқига эга эканида намоён бўлади. Назорат функциясини амалга оширишдан асосий мақсад – ижро ва суд ҳокимияти органлари билан мувофиқлаштирувчи ҳамкорлик орқали жойлардаги реал аҳволни ўрганиш асосида барча минтақаларда қонунлар ижросини амалий яхшилаш, қонунларни амалга ошириш механизмини такомиллаштиришдир[6].

Рус олими Ю.Н.Стариловга кўра, давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципи қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларининг ўзаро тенглигини, давлат ҳокимиятининг монополлаштирилмаслигини билдирибгина қолмасдан, балки улар ўртасидаги алоқаларнинг соғлом рақобат муҳитида ва ҳамкорлик билан ташкил этилишини ҳам англатади[7]. В.Е.Чиркин ҳам ўхшаш фикрни билдириб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ҳамкорлиги ва алоқадорлиги жуда зарурлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, бундай ҳамкорлик «бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш» ғояси билан бир қаторда ҳозирги замон давлат ҳокимияти бўлиниши принципининг муҳим ва ажралмас таркибий қисмидир[8].

Маҳаллий олимларимиздан Р.Р.Ҳакимовнинг фикрига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ижро этувчи ҳокимият билан ўзаро муносабатлари нисбатини таҳлил қилиш орқали амалиётда, «ушбу нисбат кўпроқ ижро этувчи ҳокимият томон оғишини», шу боис парламентнинг ижро этувчи ҳокимиятга нисбатан ваколатларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш зарурлиги ҳақида айтиб ўтган[9].

Ушбу фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда ваколатлар билан боғлиқ жиҳатларни аввало хавфсизлик соҳасидаги жиҳатлар билан боғлаш алоҳида аҳамият касб этади. Шуни унутмаслик керакки, ривожланган мамлакатларда парламент миллий хавфсизлик билан боғлиқ жараёнларда етакчи рол ўйнаш билан бирга, ушбу йўналишнинг асосий тамойилларини белгилаб беради.

Шунингдек, М.Ахмедшаевага кўра, ижро этувчи ҳокимият тузилмалари ва тизимида жамият ривожланиши эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда диалектик равишда тузилмавий ўзгаришлар юз бериб туриши, натижада ташкилий-ҳуқуқий шаклларнинг тез-тез ўзгариб туриши ушбу орган вазифа ва функциялари ҳамда мақомида ҳам ўзгаришларга олиб келиши, бу ҳолат эса ўз навбатида ортиқча қоғозбозлик ва ташкилий ишларга эҳтиёж туғдиради[10].

Фикримизча, қонунчилик органи ва ижро органининг асосий муносабатлари «бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш» тамойилидан келиб чиқади. Жумладан, парламент ижро органи томонидан амалиётга қўлланиладиган норма ижодкорлигини амалга оширса, ўз навбатида ижро ҳокимияти ижтимоий муносабатларнинг ривожидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, мавжуд янги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, эскирган ёки нормал ижтимоий ҳаётга зид бўлган жараёнларни ечими юзасидан ўз ташаббускорлигини намоён этиши лозим. Бу эса ўз-ўзидан икки орган ўртасидаги доимий бўлиб турадиган «қайта алоқа»ни юзага келтиради.

Миллий хавфсизлик ва мудофаа давлатнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, у давлат бошқарувининг бошқа соҳаларида ҳам қўлланиладиган бир хил кенг қўламли қоидалар ва тартибларга бўйсунди. Шу билан бирга, хавфсизлик органлари бошқа давлат тузилмаларида учрамайдиган қатор функцияларга эга. Ушбу секторнинг мураккаблиги ва ўзига хослиги уни таҳлил қилиш ва назорат қилишни қийинлаштиради.

Айтиш жоизки, моҳиятан бир томондан ҳокимият тузилмалари билан иккинчи томондан демократиянинг мазмун-моҳиятини ифодаловчи инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ўртасида қарама-қаршилик мавжуд. Ҳарбий, Ички ишлар, разведка - булар юқори даражадаги профессионализм ва иерархия ва интизомга асосланган кучли корпоратив руҳга эга бўлган тузилмалардир. Бу уларнинг кўпинча жамиятдан узоқлашишига олиб келади. Давлатда куч ишлатиш бўйича ҳуқуқий монополияга, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш мумкин бўлган махсус ваколатларга эга бўлган ҳолда, улар жуда катта куч тўплайдилар.

Табиийки, улар ташқи назорат ва таклиф қилинаётган ислохотларга кучли қаршилик кўрсатади. Шунинг учун ҳам хавфсизлик масалаларида ҳокимиятларнинг ҳақиқий бўлиниши ва назорат ва мувозанат тизимини таъминлаш давлат бошқарувининг бошқа соҳаларига қараганда муҳимроқдир.

Бундан ташқари, нозик миллий ахборот хавфсизлиги масалаларини ҳимоя қилиш зарурати кўпинча шаффофлик ва жавобгарликка тўсқинлик қилади. Хавфсизлик сектори давлат фаолиятининг бошқа соҳаларига қараганда камроқ шаффофдир, бу ҳарбийларнинг «каста менталитети» билан боғлиқ.

Кўпгина мамлакатларда куч ишлатиш бўйича қонуний монополияга эга бўлган муассасалар ўз кадриятларига, хулқ-атвор қоидаларига, интизомга, мактабга, судларга, касалхоналарга ва бошқаларга эга. Бундан ташқари, ижро этувчи ҳокимият хавфсизлик секторини ўзининг эксклюзив юрисдикциясига топширишга интилади. Махфий дастурлар кўпинча мудофаа бўйича тадқиқотлар, ишланмалар, харидлар, разведка фаолияти ёки ҳарбий операцияларнинг турли кўринишларини қамраб олиш учун ишлатилади.

Яширин операцияларнинг мақсадлари ва ҳатто харажатлари кўпинча нафақат жамоатчиликдан, балки парламентнинг аксарият аъзоларидан ҳам яширилади. Натижада, парламент бундай ҳаракатлар устидан тегишли назорат тизимини ўрнатишга ва тегишли асосларсиз маълумотларнинг ортқча таснифланишига йўл қўймасликка ҳаракат қилиши керак.

Жамоавий давлат сиёсатининг кўпгина бошқа соҳаларидан фаркли ўлароқ, хавфсизлик сиёсатининг самарадорлигини ўлчаш кўпинча қийин. Масалан, қанча аскар, курул-яроғ ва техника зарур ва самарали бўлиши учун муодофаа тузилмасининг тайёргарлиги қандай бўлиши керак? Агар армия тинчлик даврида тайёрланаётган бўлса, уруш пайтида жанговар вазифаларни бажаришга қанчалик тайёрлигини қандай баҳолаш керак? Ички ишлар ва разведка идоралари томонидан пул сарфлашнинг самарадорлигини қандай ўлчаш мумкин? Демак, ҳукумат сиёсатининг бошқа соҳалари билан солиштирганда кўрсаткичларда аниқлик йўқлиги хавфсизлик сектори устидан парламент назоратини қийин вазифа қилиб қўйгани маълум бўлди.

Ижроия ҳокимиятини жавобгарликка тортишга қодир самарали парламентга эга бўлиш, айниқса, можародан кейинги вазиятда, мамлакат сиёсий нотинчликлар, ҳарбий тўнтаришлар, фуқаролар урушлари ва можаролардан аста-секин ўзини тиклаётганда муҳим аҳамиятга эга. Бу контекст парламентларнинг давлатни қайта қуриш ва аҳолини яраштириш жараёнларида фаол иштирок этиш салоҳиятини мустаҳкамлаш зарурлигини кучайтиради. Дарҳақиқат, можаролардан сўнг кўплаб мамлакатлар парламент ва ҳукумат, хавфсизлик идоралари ва нодавлат субъектлар ўртасидаги кучли ҳокимият носимметриклигидан азият чекмоқда.

Ҳокимиятнинг концентрацияси ва унинг самарадорлиги каби тушунчаларнинг узвийлиги ҳам чалкашдир. Кўпинча янги режимлар давлат ҳокимиятини ижро этувчи ҳокимият қўлида, асосан, президентлик институтида тўплашга мойил бўлади. Шу билан бирга, парламент четда қолмоқда ва ҳукуматга тегишли таъсир кўрсата олмайди. Натижада, ижро этувчи ҳокимиятни назорат қилувчи миллий даражада функционал ва самарали парламент, ягона агентлик ёки бошқа тузилмани яратиш орқали ушбу номутаносибликни зудлик билан тузатиш жамият ва бутун давлатни демократлаштиришнинг институционал калитидир[11].

Ҳукук-тартибот идораларининг жамият томонидан қабул қилиниши ва қабул қилинишига бўлган эҳтиёж пост-авторитар режимга эга мамлакатларда юқорироқдир. Ахир, бундан олдин махсус хизматларга кўпинча шубҳа ва ишончсизлик билан муносабатда бўлган. Аммо пост-авторитар тузумлар ҳукм сураётган мамлакатларда яна бир муаммо туғилади – махсус хизматлар янги ҳукуматнинг доимий ҳужумлари нишонига

айланиб қолади ва бу ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунда инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳақидаги маълумотлар ва далилларнинг ишончлилиги алоҳида ўрин тутади. Вазиятни холис баҳолаш масаласи авторитар режимлар ҳукм сураётган мамлакатларда жамоатчиликда Ички ишларга ва давлат институтлари самарадорлигига ишончсизлик аллақачон кучайиб бораётгани билан янада кескинлашмоқда.

Миллий хавфсизлик соҳасида парламент назорати кўпинча фуқаролар, жамият, давлат учун молиявий-бюджет соҳаси, ҳуқуқ ва эркинликлар, ижтимоий сиёсат ва бошқалардан кам аҳамиятга эга эмас, чунки унинг умуман глобал (халқаро) ва миллий хавфсизлик ҳолатига ижобий ёки аксинча, салбий таъсир кўрсатиши уларнинг манфаатларига таъсир қилади. Қолаверса, бу борадаги парламент (яъни маълум даражада жамоатчилик) назорати, унинг шаффофлиги, очиқлиги ва самарадорлиги даражаси, ижро ҳокимияти тузилмаларининг бунга муносиб муносабати масаласи ҳам доимо фуқаролар ва жамиятда катта қизиқиш уйғотади.

Парламент назорати тушунчаси, унинг мазмуни, вазифалари, амалга ошириш шакллари ва механизмлари мамлакатимиз ва хорижий ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар томонидан етарлича ўрганилган[12]. Шу билан бирга, деярли барча тадқиқотчилар ҳуқуқий тартибга солишнинг алоҳида аҳамияти, ўзига хослиги ва номувофиқлигини ва миллий хавфсизлик соҳасидаги вакиллик ҳокимиятининг ушбу функцияси ва фаолияти шаклини амалий амалга оширишни таъкидлайдилар[13].

Умумий конституциявий қоида шундан иборатки, парламентлар томонидан назорат қилинадиган бу соҳадаги юрисдикция предметига уруш ва тинчлик, фавқулодда ва ҳарбий ҳолат жорий этиш, чет элда қуролли кучлардан фойдаланиш, ташқи сиёсатни амалга ошириш масалалари киради[14]. Миллий хавфсизлик соҳасида парламент назоратининг муҳимлиги ва ўзига хослиги, бизнингча, деярли барча мамлакатларда санаб ўтилган масалалар, биринчидан, тўғридан-тўғри конституциявий хусусиятга эга, яъни Конституцияда бевосита кўрсатилган ёки (камроқ) конституциявий характердаги ҳуқуқий ҳужжатларда; иккинчидан, улар давлатнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам, жамиятнинг ҳам суверен ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга; учинчидан, улар давлатнинг ташқи сиёсати билан узвий боғлиқдир, яъни халқаро (шу нуқтаи назардан «глобал» атамаси кўпроқ адекват кўринади) ва миллий хавфсизлик ўртасида бевосита ва ўзаро боғлиқ муносабатлар мавжуд; тўртинчидан, улар давлат раҳбарининг (кўпинча президентнинг) бевосита ваколати бўлиб, бу парламентларнинг назорат функцияларини амалга ошириши ва уларнинг самарадорлигига ўзига хос из қолдиради.

Охирги ҳолат алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, у давлат тузилишининг асосий принципи – ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойилини амалга оширишнинг энг нозик масаласига тўхталиб, шунинг учун энг қизғин муҳокамалар мавзусидир.

Кўриниб турибдики, миллий хавфсизлик соҳасидаги парламент назорати муаммосининг алоҳида аҳамияти, шунингдек, ҳуқуқий ва сиёсий мунозаралилиги ва кескинлигини мана шу тўртта ҳолат, асосан охиргиси белгилаб беради.

Парламентнинг роли ва ўрни, энг аввало, ҳар бир давлатда мавжуд бўлган сиёсий тизимга боғлиқ. Демократик мамлакатда парламент мавжудлиги фактининг ўзи ҳам давлат институтларининг асосий ваколатларини ва улар ўртасидаги муносабатларни назарда тутувчи Конституциядан келиб чиқади. Демократик республикаларга хос бўлган учта асосий бошқарув модели ёки шакллари мавжуд. Уларнинг тузилмалари ҳар хил бўлиб, ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият органлари, фуқаролар ва уларнинг вакиллари, шунингдек, вакилларнинг ўзлари ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятига боғлиқ. Бу президентлик, парламентар ва аралаш моделлардир.

Президентлик моделида президент бевосита халқ томонидан сайланади ва ижро ҳокимиятида кенг ваколатларга эга, ташқи сиёсат ва миллий хавфсизлик масалаларида алоҳида ўрин тутаяди. Президент ҳам давлат, ҳам ҳукумат раҳбари сифатида вазирлар маҳкамасини тайинлайди ва ижро ҳокимияти фаолияти устидан бевосита назоратни амалга оширади. Ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлар ўртасида ваколатларнинг аниқ тақсимланиши мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз сайлов алгоритмига эга. Шу билан бирга, парламентнинг мустақиллиги, унинг ижро ҳокимияти таклифларига таъсири асосий фарқловчи хусусиятлар бўлиб қолмоқда.

Учинчи ўқиш парламент қарорига ёки қонун лойиҳаси ташаббускорининг илтимосига биноан ўтказилади. Бу қонун лойиҳасининг якуний матнига унинг мазмунини сезиларли даражада ўзгартирган бир қатор тузатишлар киритилган ҳолларда амалга оширилади.

Алоҳида ҳолларда қонун қабул қилиш тартиби бузилиши ва у тезлаштирилган тартибда қабул қилиниши мумкин. Бу миллий хавфсизлик манфаатларига дахл қилинган тақдирда ёки давлат иқтисодиёти учун жиддий салбий оқибатларнинг олдини олиш ёки бартараф этиш ҳолатларида мумкин. Мазкур масалаларни Қонунчилик палатаси ва Сенати регламентига киритиш таклиф қилинади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, хавфсизлик соҳаси устидан парламент назоратини ўрнатиш қарорлар қабул қилиш жараёнини такомиллаштириш ёки тезлаштиришни назарда тутмайди. Аксинча. Зеро, бунда халқдан мандатга эга бўлган депутатлар жамият ҳаётига дахлдор қонуний қарорлар қабул қилишга интилиши керак. Улар инсонлар демократик тузумга ишонишлари ва демократия уларнинг хавфсизлиги ва ривожланиш

имкониятларини яхшилайдиган шароит яратишига ишонишлари кераклигини тушунишлари керак.

Шуни таъкидлаш лозимки, парламент нафақат мудофаа ва хавфсизлик билан боғлиқ бюджетни тасдиқлаб бериш учун балки ушбу харажатларни ижросини назорат қилиш учун ҳам жавобгардир. Х.Т.Одилқориевга кўра, «давлат органлари ўзаро фарқ қилишига қарамай, бир бутуннинг қисмлари ҳисобланади ва ўзаро чамбарчас боғлиқ. Масалан, парламент ва ҳукумат турли ваколатларга эга, ҳар хил мазмундаги ишларни бажаради, лекин ҳар иккиси ҳам биргаликда ягона давлат ҳокимиятини амалга оширади, яъни иккаласининг фаолияти ҳам фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва алоқадорликда фаолият юритади»[15].

Юқорида келтирилган манбалардаги маълумотлар (статистика, таҳлил), миллий ва хорижий олимлар фикрлари ҳамда қонунчилик нормаларидан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, парламент ижро ва суд ҳокимияти органлари учун умуммажбурий ҳисобланган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқади, уларни ижро этилиши устидан назоратини олиб боради ҳамда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари ва камчиликлар юзасидан парламент назорати шакллари кўллаган ҳолда тегишли жазо чораларини кўради. Ўз навбатида, эса ижро ва суд органлари ўз иш фаолиятида мавжуд муаммолардан келиб чиққан ҳолда парламентга қонунчилик ташаббуси ёрдамида қонун лойиҳаларини киритиб боради. Парламент ўз фаолиятида нафақат Ҳукуматнинг ўзи билан, балки тўғридан-тўғри равишда вазирлик ва идоралар билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиши керак.

Шу билан биргаликда, давлат бошқаруви органлари, хусусан, мудофаа ва хавфсизлик масалаларига алоқадор давлат ташкилотларини фаолиятини парламент ўзининг функциялари (қонунчилик, вакиллик ва назорат) орқали мувофиқлаштириб бориши лозим, назаримизда.

Жумладан, Ўзбекистонда миллий хавфсизлик тамойиллари, уларнинг турлари ҳамда амалга ошириш шакл ва тартиблари, хусусан бу йўналишдаги давлат органларининг вазифа ва функциялари бўйича махсус қонун ёки концепцияни қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Бу каби асосий қонун ҳужжат(лар)ининг мавжуд эмаслиги бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни турли талқин қилинишига, давлат органлари ваколатларининг тўғри тақсимотига салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, бунинг натижасида баъзи-бир давлат органлари вазифаларининг ортишига, айрим ҳолларда эса уларга хос бўлмаган функцияларнинг бириктирилишига ҳам олиб келмоқда. Натижада эса мазкур органлар ўзлари бажариши лозим бўлган вазифалар қолиб, бошқа масалалар билан шуғулланиб келишмоқда. Бу эса ўз навбатида давлат органлари ўртасидаги

муносабатларнинг «бузилиши»га, 2 ёки ундан ортиқ давлат органларига бир хил вазифаларнинг юкланишига ва улар ўртасида келишмовчиликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни 4, 12, 15, 16, 17, 23-моддаларида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар белгиланган. Ваҳоланки, айтиш мумкин, ушбу жиҳатларни биз Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида»ги Қонуни 3, 27, 30-моддаларида ҳам кўришимиз мумкин. Эътиборли жиҳати, иккала қонунда ҳам «жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш» билан боғлиқ масалалар асосий вазифалар сифатида эътироф этилган. Нафақат назарий балки амалий жиҳатдан ҳам бир-бирини такрорловчи ушбу вазифаларнинг мавжудлиги ушбу давлат органлари ўртасидаги низо ёки турли келишмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Юқоридаги икки қонун ҳужжатидаги ушбу вазифаларнинг мавжудлигига сабаб сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси»да белгиланган вазифаларни келтириш мумкин. Хусусан, ушбу Фармонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар биринчи навбатда Ички ишлар вазирлиги зиммасига юклатилганлигини кўриш мумкин. Булар қаторида Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Жамоат хавфсизлиги департаментини ташкил этилиши билан боғлиқ жиҳатни алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ташкил этиш жараёнида (2017 йил) мазкур органнинг асосий вазифаси этиб «жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш» деб эътироф этилган. Шу сабабли ҳам 2022 йил 1-2 июль кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида содир этилган оммавий тартибсизликлар ва давлат ҳудудий дахлсизлигига қарши содир этилган жиноятлар жараёнида ҳам Миллий гвардия мазкур салбий ҳолатларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширувчи асосий орган сифатида белгиланди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 июлдаги «Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисида»ги ПФ–164-сон Фармонида ҳам кўришимиз мумкин. Яъни ушбу фармонга кўра, жамоат тартибини, аҳолининг ҳаёт фаолиятини таъминловчи инфратузилма объектларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ бир қатор масалаларни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўмондони Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудининг коменданти этиб тайинланди[16].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жамоат хавфсизлиги билан боғлиқ тизимлилиқ ва вазифалар тақсимотини аниқ белгилаш нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси Ички

ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияси ўртасидаги жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир вазифаларни аниқ белгилаб олиш мақсадга мувофиқ саналади. Айни ушбу номувофиқликни бартараф этишда парламент ташаббусни қўлга олиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ–60-сон Фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда
3. М.Ахмедшаева. “Давлат ҳокимияти тизимида ижро ҳокимияти”. юрид. фан. номзоди. ... дис. – Тошкент, 2010. Б. 31.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 979-модда.
5. Ҳакимов Р.Р. “Давлат ҳокимияти тизимида парламент: назария ва амалиёт муаммолари” мавзусидаги юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т. 2009 й. Б. 75.
6. Усмонов М.А. “Хавфсизлик ва мудофаани таъминлаш бўйича давлат функциясининг назарий ва ҳуқуқий асослари”. юрид. фан. номзоди. ... дис. – Тошкент, 2010. Б. 68.
7. Старилов Ю.Н. Курс общего административного права. Т. 1. М.: Норма, 2002. -С. 67.
8. Чиркин В.Е. Основы сравнительного государственоведения. М.: Юрист, 2001. - С.85.
9. Ҳакимов Р.Р. Давлат ҳокимияти тизимида парламент:назария ва амалиёт муаммолари. юрид.фан. номз. ...дисс. автореф. -Т.: (26 б.) – Б.14.
10. М.Ахмедшаева. “Давлат ҳокимияти тизимида ижро ҳокимияти”. юрид. фан. номзоди. ... дис. – Тошкент, 2010. Б. 71.
11. Stronger Legislatures, Stronger Democracies. М. Steven Fish. Issue Date January 2006.
12. Фишер Л. Военные полномочия: потребность в коллективных решениях // Разделенная демократия. Сотрудничество и конфликт между Президентом и Конгрессом / Под общ. ред. Д. Тарбера. М.: Прогресс; Универс, 1991. С. 242-265.
13. Seeking a National Strategy: A Concept for Preserving Security and Promoting Freedom // The Phase II Report on a U.S. National Security Strategy for 21st Century. The United States Commission on National Security / 21st Century. April 2000. <https://www.ojp.gov/ncjrs/virtual->

library/abstracts/seeking-national-strategy-concert-preserving-security-and-promoting

14. Snider D.S., The National Security Strategy: Documenting Strategic Vision // Strategic Studies Institute, U.S. Army War College. Carlisle Barracks, March 15, 1995. P. 2-9.

15. Одилқориев Х.Т. “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” Дарслик. Адолат нашриёти. Б. 123.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 июлдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисида”ги ПФ–164-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.07.2022 й., 06/22/169/0631-сон